


## I. САНОАТ

Вилоят саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жихатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2018 йилнинг январь–сентябрь ойларида 8 866,6 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланиб, ўсиш суръати 2017 йилнинг тегишли даврига нисбатан 108,3 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 3 093,0 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2017 йил январь-сентябрь ҳолатига нисбатан 104,1 фоизни ташкил этди. Жумладан, 1000,3 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 29,0 млрд. сўмлик ароқ-вино ва пиво маҳсулотлари, 2063,6 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2017 йил январь-сентябрь ҳолатига нисбатан мос равишда 110,3 фоиз, 99,9 ва 101,4 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида 88,3 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича январь-сентябрь ҳолатига саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши ҳажмига нисбатан фоизда)



- Ишлаб чиқарадиган саноат
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш
- Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш
- Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш

Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилишига қарамасдан, кичик бизнес томонидан sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 4,3 фоизга ошди. Жами sanoatда кичик бизнеснинг улуши 35,1 фоизни ташкил этди.


**Иқтисодий фаолият турларидан бўйича  
sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
(2018 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига)**

	<i>млрд.сўм</i>	<i>2017 йил январь- сентябрга нисбатан фоизда</i>
<b>Ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулотлари ҳажми</b>	<b>8 866,6</b>	<b>108,3</b>
<b>Тоғ-кон sanoati ва очиқ конларни ишлаш</b>	<b>22,9</b>	<b>115,8</b>
<i>улардан:</i>		
кўмир, лигнит, нефть ва табиий газ қазиб олиш	0,1	104,4
<b>Қайта ишлаш sanoati</b>	<b>8 433,9</b>	<b>108,1</b>
<i>ундан:</i>		
озик-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш	1 190,6	98,4
тўқимачилик маҳсулотлари, кийим ва тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш	2 738,2	103,4
ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебел ишлаб чиқариш	155,0	113,8
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	7,0	110,6
кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1 645,2	115,9
кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	969,5	105,4

	млрд.сўм	2017 йил январь-сентябрга нисбатан фоизда
асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	2,3	97,5
бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1 015,0	107,8
металлургия саноати	30,7	109,6
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>	<b>356,3</b>	<b>111,2</b>
<b>Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш</b>	<b>53,5</b>	<b>117,8</b>
<b>Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш</b>	<b>3 093,0</b>	<b>104,1</b>
<i>шу жумладан:</i>		
озиқ-овқат товарлари	1 029,4	110,0
ноозиқ-овқат товарлари	2 063,6	101,4

**Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби**  
(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш хажмига нисбатан, фоизда)

2017 йил январь-сентябрь



2018 йил январь-сентябрь



- Ноозиқ-овқат
- Озиқ-овқат

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти  
турларини ишлаб чиқариш**  
(йирик корхоналар бўйича)

	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь- сентябрь	2017 йил январь- сентябрьга нисбатан %
<b>Минерал ўғитлар:</b>			
Мочевина (карбамид)	МИНГ ТН. азотга	109,0	105,2
Аммоний нитрат (аммонийли селитра)	МИНГ ТН. азотга	105,1	119,6
Суперфосфатлар	МИНГТН. P2O5	12,6	114,8
Таркибида иккита таъминловчи элемент - азот ва фосфор бўлган минерал ёки кимёвий ўғитлар	МИНГ ТН.	21,1	53,2
Портландцемент	МИНГТН.	717,2	95,8
Цемент клинкерлари	МИНГТН.	601,8	93,2
Цемент, бетон ёки сунъий тошдан йиғма конструкциялар элементлари ва бинолар ва иншоотлар учун бошқа буюмлар	ТН.	27 754	132,4
Денатурланмаган, спирт концентрацияси 80 % ҳажмдан кам бўлмаган этил спирти	МИНГЛ.	20370	99,3
Арок	МИНГЛ. 100% спирт	1 081	100,3
Узум виноси ёки узум турпини дистиллаш натижасида олинган спирт настойкалари, коньяк спиртидан ташқари	МИНГ Л. 100% спирт	1 352,0	99,5
Узум виноси	МИНГ Л.	33,0	165,0
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	МИНГТН.	108,2	98,4
Макарон маҳсулотлари ва шу каби хамирдан тайёрланган маҳсулотлар	ТН.	4 300,1	71,6
Биринчи навли ундан тайёрланган буғдой нони, оғирлиги 600 г (буханка)	ТН.	2 625,9	118,5
Тозаланган пахта ёғи ва унинг фракциялари (кимёвий модификация қилинганларидан ташқари)	ТН.	10 587,0	117,7
Чакана савдо учун қадоқланмаган пахтадан йигирилган бир қаватли ип	ТН.	34 547,5	77,2
Машинада ёки қўлда тўқилган бошқа трикотаж полотнолар	ТН.	443,9	60,1

	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь- сентябрь	2017 йил январь- сентябрга нисбатан %
Иш кийими	минг дона	-	-
Пахта толаси	минг тн.	43,0	108,0
Пахта чигити	минг тн.	6,4	99,1
Пахта тивити (линт)	тн.	3247	114,5
Шишадан бутилкалар, банкалар, флаконлар ва бошқа идишлар (ампуладан ташқари); шишадан тиқин, қопқоқ ва бошқа тиқинлаш воситалари	млн. дона	75,0	90,9
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>			
Буғ ва иссиқ сув (иссиқлик энергияси)	минг Гкал.	713,7	107,8